

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

Давлат тест маркази Илмий-методик
кенгашининг 2016 йил 30 декабрдаги
йиғилиши 4-сон баёни қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Давлат тест марказининг
2017 йил 6 январдаги
01-08-сонли буйруғи билан

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН “ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ” ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ

1. ХИЗМАТ ТАВСИФИ (ПАСПОРТ)

1.1. Хизмат номи

Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларини қабул қилишда тест синовларини ўтказиш;

1.2. Хизмат натижаси

Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларини қабул қилишда тест синовлари натижаларини тақдим қилиш;

1.3. Хизмат кўрсатувчи орган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази;

1.4. Хуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18-июндаги 118-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 195-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 8 июлда 2242-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом” (бундан буён матнда Низом деб юритилади);

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш тест синовларида қатнашиш учун ҳужжат топширган жисмоний шахслар;

1.6. Сўровнома берилиш муддати

Ҳар йили 15 июндан 15 июлгача;

1.7. Ижро муддати

Тест синовлари ҳар йили 1 августда ўтказилади. Тест синовлари натижалари 20 августгача ҳисобланади.

1.8. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати

Қабул комиссияси 28 июлдан бошлаб тест синовлари ўтказиладиган биноларда абитуриентларга «Абитуриент рухсатнома» сени тарқади.

Қабул комиссияси 30 июль куни Давлат тест марказидан икки нусхада абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатини қабул қилиб олади

2. ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ

2.1. Кенг доирада маълумот берилиши

Абитуриентлар тест синовини ўтказилиши ва уни топшириш қоидалари тўғрисидаги ахборотлар Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,

Олий таълим муассасаси расмий веб-сайтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали маълумот тақдим этилади.

2.2. Сўровнома бўйича маълумот берилиши

Ушбу хизматдан фойдаланиш учун фуқаронинг ўзи шахсан келиши лозим.

2.3. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

Қабул комиссияси томонидан 28-июлдан бошлаб абитуриентларга «Абитуриент рухсатномаси» тарқатилади. «Абитуриент рухсатномаси»да тест ўтказиладиган бино, қават ҳамда аудитория рақами ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлади.

2.4. Фойдаланиладиган бланк (шакл)лар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 8 июлда 2242-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”да келтирилган шакллардан фойдаланилади.

3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

3.1. Иш вақти

Тест синовларини ўтказишга доир барча ҳужжатлар Давлат тест маркази иш куни ва иш вақтида тақдим этилиши мумкин.

Иш вақти: 9-00дан - 18-00гача. Дам олиш кунлари: шанба, якшанба.

3.2. Кутиш шарти

Тест синовлари натижалари Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига 3 ҳафта ичида тақдим қилинади. Шундан сўнг тест натижалари эълон қилинади

4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБ – ТАОМИЛИ

4.1. Талаб қилинадиган ҳужжатлар

Абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан **15 июндан 15 июлгача** (шу куни ҳам), **Ўзбекистон давлат консерваторияси учун 15 июндан XXX июлгача** қабул қилинади. Абитуриент олий таълим муассасаси қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

086-У — шакл бўйича тиббий маълумотнома;

паспорт (паспорт ёшига етмаганлар учун туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома)нинг нусхаси;

3.5 x 4.5 см ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;

меҳнат дафтарчасидан белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма ва ишлаб турган соҳадан тавсиянома (махсус сиртқи бўлим абитуриентлари учун);

ректор номига ариза;

танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар ғолиблари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатлар;

абитуриент томонидан паспорт (паспорт ёшига етмаганлар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

4.2. Хизмат кўрсатиш қиймати

Давлат хизмати бепул кўрсатилади.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари

1-босқич. Ҳар йили 15 – июндан 15 – июлгача абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинади. Қабул комиссияси томонидан ҳар куни абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни махсус дастур “DC-Abitur” га киритиб боради.

2-босқич. Қабул комиссияси 16 – июль куни Низомнинг 1-илоvasи 1-4 шакллари бўйича маълумотларни қабул комиссиясининг раиси ва масъул котиби томонидан тасдиқланган ҳолда Давлат тест марказига тақдим этади ва ушбу ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиши қатъиян ман қилинади.

3-босқич. Қабул комиссияси 17 июлда Низомнинг 2-илоvasида келтирилган шаклдаги титул варақалари ва мазкур Низомнинг 3-илоvasида келтирилган шаклдаги абитуриент рухсатномаларини Давлат тест марказидан қабул қилиб олиб, абитуриентларга тааллуқли маълумотларни принтерда хатосиз чоп этади.

4-босқич. Қабул комиссияси 22 июль куни Низомнинг 4-илоvasи 1-шаклига мувофиқ таълим йўналишлари бўйича гуруҳланган абитуриентлар сонининг бинолар ва гуруҳлар бўйича тақсимотини Низомнинг 1-илоvasи 1-шакли бўйича тайёрланган абитуриентлардан келиб тушган аризалар ҳақидаги маълумотлар ва Низомнинг 4-илоvasи 2-шаклидаги абитуриентларнинг аудиториядаги ўтириш ўринлари ва сони ҳақидаги маълумот билан таққослаб, Давлат тест марказига тақдим этади ва 24 июлда абитуриентларнинг бинолар ва гуруҳлар бўйича рўйхатини Низомнинг 4-илоvasи 3-шакли бўйича Давлат тест марказидан қабул қилиб олади.

5-босқич. Қабул комиссияси 27-июлга қадар Низомнинг 5-илоvasи 1-шакли бўйича кўзи ожиз абитуриентлар ва кириш имтиҳонлари натижалари ҳақидаги маълумотларни, 1 августда Низомнинг 5-илоvasи 2 ва 3 шакллари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар ва чет тили имтиҳонлари натижаларини Давлат тест марказига тақдим этади ва абитуриентларнинг эътибори учун маълумот сифатида эълон қилади ҳамда ушбу маълумотларнинг ўзгармаслигини таъминлайди ва Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг абитуриентларни талабалар сафига ўтказиш ҳақидаги қарори чиқмагунча эълонлар тахтасидан олмаслигини таъминлайди.

Қабул комиссияси шу куннинг ўзида Низомнинг 4-илоvasи 4-шаклига мувофиқ абитуриентларнинг умумий рўйхатини, шунингдек Низомнинг 6-илоvasи 1-5 шаклларига мувофиқ тест ўтказиладиган биноларнинг режа-чизмаси, таълим муассасаси бўйича биноларнинг жойлашиш схемаси, ҳар бино учун асосий схема ва тест синовлари учун мўлжалланган қават бўйича аудиторияларнинг жойлашиш схемаси ҳамда тест синовлари ўтказиладиган бинолар тўғрисидаги умумий маълумотни эълон қилади ва ушбу маълумотларни Давлат тест маркази вакилларига етказилади.

4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички – идоравий босқичлари

Давлат тест маркази тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни бажаради:

тест материалларининг сифатли ва нуқсонсиз тайёрланишини таъминлайди;

тест материалларини тест синовлари ўтказиладиган кунда соат 6.00 дан кечикмасдан, етарли даражада таълим муассасаларига етказилишини таъминлайди;

аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари учун семинар машғулотларини талаб даражасида ташкил этилишини назорат қилади;

Давлат тест маркази вакилларининг ўз хизмат сафарларини ваколати доирасида аниқ билиши ва ўз вақтида тест синовлари ўтказиладиган бинога етиб келишини таъминлайди;

таълим муассасаларини ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларини ўқитиш учун махсус йўриқнома билан таъминлайди;

аудиториялар тақсимотига мувофиқ тест синови якуни бўйича қайтариб келтирилган жавоблар варақалари бўйича тест синови натижаларини ҳисоблайди;

5. СИФАТ ТАЪМИНОТИ

5.1. Сифат кўрсаткичлари

Абитуриент жавоблар варқасидаги “Test sinovlari qoidalari buzildimi?” пунктида тест синовларини ўтказиш жараёни ҳақидаги ўз фикр – мулоҳазаларини **“Ha”** ёки **“Yo’q”** кўринишида билдиришлари мумкин.

5.2. Сифатсиз кўрсатилган хизмат учун шикоят

Тест синовлари натижасидан норози бўлган абитуриент тест синовлари натижаси эълон қилинган кундан бошлаб ўн беш кун давомида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган апелляция комиссиясига Низомнинг 22-иловасига муфовиқ шаклда ёзма тартибда апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

Апелляция комиссиясининг апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.